



*Ўзбекистон Республикаси Ахборот
технологиялари ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги*

ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ҲАМДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ТЎҒРИСИДА ТАҚДИМОТ

*Вазирликнинг Электрон ҳукумат
инфратузилмасини ривожлантириш бўлими*

2021 й. Тошкент шаҳри



ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАР

- Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни (03.12.2015 йил);
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли Ўзбекистон-2030» Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони;
- Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва «электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори;
- Вазирлар Маҳкамасининг «Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 12 августдаги 262-сон қарори;
- Вазирлар Маҳкамасининг «Электрон ҳукумат тизимини янада ривожлантириш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг ўз фаолияти бўйича жамоатчилик олдида электрон ҳисобот бериши тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 16 июлдаги 444-сон қарори.



Ўзбекистон Республикасининг “ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ТЎҒРИСИДА”ги Қонуни

- Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 18 ноябрда қабул қилинган.
- Сенат томонидан 2015 йил 3 декабрда маъқулланган.
- 2016 йил 10 июндан Ўзбекистонда “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонун кучга кирди.
- Қонун 5 та боб, 34 та моддадан иборат.



ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ- бу нима?



Электрон ҳукумат — давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими.



15-модда. Электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли органнинг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги электрон ҳукумат соҳасидаги **ваколатли органдир**.

Электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли орган ўз ваколатлари доирасида:
электрон ҳукумат соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;
электрон ҳукуматни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва электрон ҳукумат тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини амалга оширади;

электрон ҳукумат соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқади;

давлат органларининг электрон ҳукумат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;



15-модда. Электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли органнинг ваколатлари

Электрон ҳукумат соҳасидаги мониторингни амалга оширади, электрон давлат хизматлари кўрсатиш, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳисобот материалларини шакллантиради ва уларга ишлов беради;

электрон ҳукумат инфратузилмасининг марказий маълумотлар базаларига, идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимиغا, Ягона интерактив давлат хизматлари порталига, Маълумотларга ишлов бериш марказига ва идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига тааллуқли қисмининг ишлаб туришини таъминлайди;

электрон давлат хизматлари кўрсатилиши сифатини, шунингдек электрон ҳукумат лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичларига эришилиши даражасини баҳолайди;



Электрон ҳукуматнинг ишлашини ташкил этиш

Электрон ҳукумат инфратузилмаси қуйидагилардан иборат :

- ✓ марказий маълумотлар базаларидан;
- ✓ идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимидан;
- ✓ давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари ҳамда уларнинг мажмуаларидан;
- ✓ давлат органларининг расмий веб-сайтлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан;
- ✓ Маълумотларга ишлов бериш маркази ва идоралараро маълумотлар узатиш тармоғидан иборатдир.

Электрон ҳукумат маълумотларни қайта ишлаш маркази ва идоралараро маълумотларни узатиш тармоғи



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 262-сон қарорига мувофиқ электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органларининг идоравий ва идоралараро ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари ҳамда электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш учун Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи (Идоралараро тармоқ) ташкил этилган.

Идоралараро тармоқнинг оператори — «Ўзбектелеком» АК.

Идоралараро тармоқга электрон давлат хизматлари кўрсатувчи барча давлат органлари уланган.



Электрон ҳукуматнинг марказлашган маълумотлар базалари

Электрон марказлашган базалари - бу давлат хизматларини кўрсатиш ва идоралараро электрон ўзаро алоқалар учун давлат органларининг асосий маълумотларини умумлаштирувчи ва сақлайдиган ягона марказлаштирилган ахборот манбаларини акс эттирувчи давлат ахборот ресурслари ҳисобланади.



Идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик тизими, давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари ва уларнинг комплекслари



- Идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик тизими давлат органларининг электрон давлат хизматларини кўрсатишда уларнинг функциялари ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида ўзаро таъсирини таъминлайди.
- Ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини яратишда давлат органлари идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш учун уларни электрон ҳукуматнинг марказлашган маълумотлар базалари билан интеграция қилиш имкониятини таъминлаши керак.



Идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик тизими, давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари ва уларнинг комплекслари

- Идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик тизими ахборот тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, узатиш ва алмашиш талаблари асосида ишлайди.
- Давлат идораларида ишлатиладиган ҳужжатлар асосан электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ электрон ҳужжатлар шаклида яратилиши, юборилиши ва сақланиши керак.
- Идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик тизими орқали узатиладиган ҳужжатлар ва маълумотлар рўйхати электрон давлат хизматлари регламентида белгиланади.

Инфографика

1


Информационных ресурсов

129

Информационных систем


40

Государственных органов





Идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик тизими, давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари ва уларнинг комплекслари



- Идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик тизимининг ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.
- Электрон ҳукуматдаги давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари ушбу органларнинг ваколатлари доирасида маълумотларни тўплаш, сақлаш, қидириш, қайта ишлаш ва фойдаланишни таъминлайди.
- Электрон ҳукумат тизимидаги давлат органларининг ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини йиғиш, сақлаш, қидириш, қайта ишлашни, шунингдек ушбу органларнинг бир-бири билан электрон ўзаро ҳамкорлиги жараёнларини автоматлаштиришни таъминлайдиган комплексларга бирлаштириш мумкин.



Ягона интерактив давлат хизматлари портали

281 та



электрон хизматлар

167 та

Бепул хизматлар

154 та

ЭРИ талаб этилмайдиган хизматлар

205 та

Тадбиркорлар учун хизматлар



Оммабоп хизматлар

- Болани боғчага жойлаштириш.
- Ипотека кредити бўйича субсидия олиш.
- Абитуриентни онлайн рўйхатдан ўтказиш.
- Товарларни электрон декларациялаш.
- Кадастр паспортини шакллантириш.
- Жамғариб бориладиган пенсия тизими хизматлари.



21 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар тежалишига эришилди



Бир ойга ўртача **2,1 млрд. сўм** (йилига 27 млрд. сўм) маблағ тежалиши кутилмоқда

Талаб этиладиган 18 турдаги маълумотномалар аризачи иштирокисиз электрон шаклда олинмоқда



Судланганлик



Солиқ қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги



Манзил-маълумот



Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялар маълумотномалари



Наркология ва руҳий касалликлар бўйича ҳисобда туриши ёки турмаслиги ва бошқа маълумотномалар



2021 йилда жорий қилиниши белгиланган **60 та** давлат хизматидан **36 таси** Ягона порталда жорий қилинди.

- Сайлов участкасини аниқлаш ёки ўзгартириш хизмати
- Нотариат соҳасидаги архив ҳужжатларини бериш
- Миллий ҳайдовчилик шувҳномасини расмийлаштириш
- COVID-19 вакциналаш (эмлаш) учун рўйхатга ёзилиш ва сертификат олиш

- Транспорт воситалари ойналарини қорайтиришга рұхсатнома олиш
- Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга нафақа тайинлаш
- Кўчмас мулк объектлари давлат реестридан кўчирмалар олиш.
- Бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш.

Жорий этилган ушбу 36 та хизматдан шу давргача 430 мингдан ортиқ фойдаланилган



50 дан ортиқ электрон хизматларни соддалаштириш ва электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талабини бекор қилиш

2021 йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар

Чет элдаги фуқаролар ҳамда хорижий фуқаролар учун электрон хизматлардан фойдаланиш имконини яратиш.

Талаб этиладиган **15 турдаги** маълумотномаларни аризачининг иштирокисиз электрон ҳамкорлик орқали олишни йўлга қўйиш:

- Олий маълумот
- Кам таъминланган
- Иш ҳақи ва бошқалар.

Электрон ҳукуматнинг Ягона биллинг тизими



Йўлқира ва қоғоз сарфи харажатлари учун **61,6 млрд. сўм** тежалди

Электрон ҳукуматнинг Идоралараро интеграцион платформаси



Ташкилот



25
(ИИВ, ДСҚ, Кадастр)



Веб-сервислар



150
(ЖШ ва ЮШ маълумотлари)



Тизимлар



122
(ЭҲ ва давлат тизимлари)

Интеграцион платформа орқали маълумот узатиш динамикаси



Қоғоз харажатлари учун ойига 7 млрд.сўм, йилига эса 84 млрд. сўм маблағ тежалмоқда



Электрон ҳукумат лойиҳалари

- Бугунги кунда Ягона интерактив давлат хизматлари порталида **281** дан ортиқ турдаги хизматлар онлайн шаклда кўрсатилиши йўлга қўйилган.
- Ягона портал орқали **2,6** млн. дан ортиқ хизматлар кўрсатилиши натижасида аҳолининг **21** млрд. сўмдан ортиқ маблағлари иқтисод қилинишига эришилди, шу жумладан **1** июндан бошлаб **18** турдаги маълумотнома ва ҳужжатларни электрон ҳамкорлик орқали олиш йўлга қўйилди.
- Бу билан аҳолининг ойига ўртача **1,3** млрд.сўм (бир йилда **16,8** млрд.сўм) маблағи тежалиши кутилмоқда.



Электрон ҳукумат лойиҳалари

- Шу билан бирга, **Ягона порталнинг мобил иловаси** ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу илова орқали **70** та электрон давлат хизматлар кўрсатилмоқда.
- Давлат божи, йиғим, жарима ва бошқа тўловларни ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизимига **360** дан ортиқ давлат хизматлари ва идораларнинг сервислари уланди. Жорий йилнинг 9 ойи давомида **16,4** млн. та транзакциялар амалга оширилган бўлиб, бу эса аҳолининг йиллик **61,6** млрд. сўм харажатларини тежаб қолмоқда.
- Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатишда қулайликлар яратиш мақсадида, ҳудудларда **800** дан ортиқ **почта алоқаси бўлинмаларида** портал платформасидан фойдаланган ҳолда **33** турдаги давлат хизматларини тақдим этиш йўлга қўйилди.



Электрон ҳукумат лойиҳалари йўналишида жорий йил якунига қадар

- хизматлар сонини **300** тага, унинг мобиль иловасидаги хизматлар сони **100** тага;
- почта алоқаси бўлинмаларида портал орқали тақдим этиладиган давлат хизматлари сони **50** тага етказилади.


Ягона портал орқали электрон давлат хизматларини тақдим этиш учун қуйидаги ахборот ресурслари такомиллаштирилди:

- Электрон ҳукумат фойдаланувчиларини идентификация қилиш - бугунги кунда **820** мингдан зиёд фойдаланувчи мавжуд бўлиб, ушбу тизимга давлат идоралари ва ташкилотларнинг **60** дан ортиқ ахборот тизимлари ва ресурслари интеграция қилинди;

Электрон ҳукумат лойиҳалари йўналишида жорий йил якунига қадар



- Электрон ҳукуматнинг Идоралараро интеграцион платформаси такомиллаштирилиб, **25** та давлат органларининг **150** та ахборот тизимлари ўртасида ойига ўртача **100** млн.дан ортиқ ахборот алмашинуви амалга оширилмоқда, бу эса фақатгина қоғоз харажатлари учун ойига **7** млрд.сўм, йилига эса **84** млрд. сўм маблағ тежаб қолинишига эришилмоқда.
- Электрон ҳукуматнинг маълумотномалар ва классификаторлар регистри - бугунги кунда Регистрда **13** та ташкилот томонидан **41** та классификатор киритилган.
- Ушбу йўналишда жорий йил якунига қадар “Электрон давлат хизматларини кўрсатиш ва тўловларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ҳукумат қарори лойиҳаси қабул қилинади.



*Эътиборингиз учун
рахмат!*